
САДОҚАТ ВА ВАФО ТИМСОЛИ

Ўзбек шеъриятининг оташнафас шоираларидан бири, инсон рухияти дунёсининг бетакрор куйчиси, Ўзбекистон халқ шоири Зулфияхоним Истроилова таваллудининг 108 йиллиги муносабати билан туман ахборот кутубхона марказида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

39-умумтаълим мактабининг иқтидорли ўқувчилари томонидан саҳналаштирилган куй-кўшиқлар ва саҳна кўринишлари тадбирга бадиийлик баҳш этди.

Тадбир иштирокчиларига шоиранинг шеърият йўллари, сермаҳсул ижоди ҳақида маълумотлар берилди. Туман ҳокими ўринбосари Саидахон Усмонова тадбирда фаол иштирок этган ва шеърият шайдоларига ҳамда ташкилотчиларига эсадалик совғаларини топширди.

Тадбир давомида туман маданият бўлими ходимлари томонидан ижро этилган жонли куй-кўшиқлар тадбирга янада кўтаринкилик олиб кирди.

ЁЗЁВОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ

2023-03-02 08:34:11